

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУЛЯГАНОВА НАРГИЗА ШЕРМАТОВНА

**ЧАДАК МАЪДАНЛИ МАЙДОННИ ОЛТИН НАМОЯНДАЛАРИ ҲОСИЛ
БЎЛИШНИНГ СТРУКТУРАВИЙ - ГЕОДИНАМИК ШАРОИТЛАРИ**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология.

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Туляганова Наргиза Шерматовна

Чадак маъдани майдони олтин намояндалари ҳосил бўлишининг структуривий-геодинамик шароитлари.....3

Туляганова Наргиза Шерматовна

Структурно-геодинамические условия формирования золоторудных проявлений Чадакского рудного поля.....21

Tulyaganova Nargiza Shermatovna

Structural - geodynamic conditions for the formation of gold ore occurrences of the Chadak ore field.....39

Эълон қилдингн ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**И. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУЛЯГАНОВА НАРГИЗА ШЕРМАТОВНА

**ЧАДАК МАЪДАЛИ МАЙДОНИ ОЛТИН НАМОЯНДАЛАРИ ҲОСИЛ
БЎЛИШНИНГ СТРУКТУРАВИЙ - ГЕОДИНАМИК ШАРОИТЛАРИ**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология.

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАКЛARI
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маълум Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.LPhD/GM87 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тибқиқ университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.inper.uz) ва «Ziynet» ахборот-талам порталда (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Турашов Мирали Камолович геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий ошловчилар:	Карибаев Маматхан Садрович геология-минералогия фанлари доктори, профессор Рашиков Одил Тахирджонович геология-минералогия фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтини ҳузуридаги DSc 24/30.10.2020.GM.125.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «7» апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтган (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимплар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-65-16, факс: (+99871) 262-63-81; e-mail: inper@inper.uz).

Диссертация билан Х.М.Абдуллаев номдаги Геология ва геофизика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (кафд рақами 7). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимплар кўчаси, 64 уй Тел: (+99871) 262-65-16;

Диссертация автореферати 2022 йил «24» март куни тарқатилди.

(2022 йил «24» мартдаги 7- рақамли реестр боёғномаси).



А.К. Нурмаджидов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.
Э.М. Амиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий ахбороти, г.-м.ф.д. (PhD)
У.Д. Манарович
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қўшмадаги илмий себтлар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётидаги замонавий геология-кидируа ишларида фаол янги юритиб келаётган кон-қазиб чиқариш тоғ кон корхоналарининг минерал-хом ашё базасини кенгайтириш, фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилиш самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги йирик конлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шунинг кўрсатдики маъданлашувнинг шаклланиш ва жойлашувининг илмий асосланган қонуниятларини чуқур ўрганиш, фойдали қазилма конларини башорат қилиш ва излашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш муҳим ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон миқёсида турли маъданли майдонлар ва конларнинг маъдан ҳосил бўлиш давридаги геодинамик муҳитни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, маъданли конлар шаклланишининг геологик-структуралар, тектонофизик ва геодинамик шароитларини геохимик ва геофизик майдон аномалиялари билан солиштириш орқали маъданли объектларнинг чеккалари, чуқур горизонтларида излаш ва кидириш самарадорлигини ошириб, уларнинг маъдандорлигини баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда олтин, рух, мис ва бошқа металлларнинг кўпلىк конлари, уларнинг геологик тузилиши, структуралар-тектоник, минералогик-геохимик хусусиятлари, маъданлашувнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятлари бўйича улар асосида янги ёпиқ майдонлардаги яширин маъданли конлар башорат қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида "...ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хом ашё, ...салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш..."¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борда, Чадак маъданли майдон олтин намойишлари ҳосил бўлишининг структуралар - геодинамик шароитларини ўрганиш асосида яширин олтин маъданлашувини башорат қилиш белгиларини аниқлаш ва тақомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон "Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПҚ-4947-сон қарори.

такомиллаштириш ва 2020-2021 йиллардаги минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал – хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маъданлашув шаклланишининг геологик-структуравий шарт-шароитларини ва қонуниятларини, удар ётқизикларини камраб олувчи тектонофизик ва геодинамик хусусиятларини ва шу каби бир қатор муаммоларни ўрганиш Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, АКШ, Хитойнинг қўллаб илмий марказларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар асосида, маъдан ҳосил бўлишининг назарий асослари ишлаб чиқилган, минтакаларда металлогеник камарлар, худудларнинг минерал ресурслари ва фойдали қазilmаларнинг геологияси аниқланган. Олтин, кумуш, қўроғшин, рух, мис, уран ва бошқа металллар металлогениясини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Эндоген маъданланишининг минерал таркиби, геокимёвий ва геофизик хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Ушбу тадқиқотларни ўтказишда Д.В.Рундквист, Ф.И.Вольфсон, В.А.Невский, Е.М.Некрасов, А.И.Кривцов, Н.Л.Лаверов, М.М.Константинов, И.Н.Томсон ва бошқа қўллаб тадқиқотчилар катта ҳисса қўшганлар. Ўзбекистон тадқиқотчилари орасида Х.М.Абдуллаев, Х.А.Ақбаров, Қ.Л.Бабаев, С.Т.Бадалов, Х.Н.Боймухамедов, И.М.Голованов, А.В.Королев, В.А.Королев, Н.А.Никифоров, В.П.Федорчук, М.М.Мансуров, Т.М.Маритов, Т.Ш.Шаякубов, Т.Н.Далимов, Л.З.Палей, Х.Р.Рахматуллаев, И.Х.Хамробоєв, Р.Р.Исанов, М.К.Турапов, В.Д.Цой, М.М.Пирназаров, П.В.Панкратьев ва бошқалар томонидан олиб борилган ишларни алоҳида эътироф қилиш мумкин. Уларда маъдан ҳосил бўлиш назарияси, фойдали қазилма конларини башорат қилиш ва излашнинг принциплари ишлаб чиқилган. Маъдан геологиясида эришилган илмий ва амалий ютуқларга қарамай, шу кунгача геология-геофизика масалалари – маъдан жойланишига тектоник кучланиш деформациянинг таъсири, ер пўсти ҳаракатининг (геодинамика) маъданли минералланиш билан алоқаси етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун комплекс геологик, геологик-структуравий, геодинамик ва тектонофизик тадқиқ қилиш усулларини қўллаш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва “Минерал ресурслар институти” давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига

мувофиқ №ИТД-13-08 “Шарқий Ўзбекистонда олтин конларини шаклланиш шароитлари ва янги олтин конларини очиб истиқболларини баҳолаш”, №1072 “Чадак маъдан майдонининг Чулоктерак жанубий этаклари ва Дальний зоналари атрофида асл металлларга оид ихтисослаштирилган ишлар” (2016), “Чадак маъданли майдонининг жанубий-ғарбий чеккаларини олтинлигини башорат қилишга оид баҳолаш” (2004), № 930 “Чадак маъданли майдонининг Гузаксой ва Окбулоқ-Қорақўтон зоналари доирасида асл металлларга оид ихтисослаштирилган ишлар” (2013) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чадак маъданли майдонда олтин намўналарини ҳосил бўлишида структуравий-геодинамик шароитларини ўрганиш асосида, янги қидирув баҳолаш белгилари мажмуасини ишлаб чиқиш ва янги истиқболли майдонлар ажратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геология-структуравий тадқиқотларнинг натижаларини, маъдани шаклланишини ва жойлашни шарт-шароитларини ҳамда, Гузаксой кони ва унинг маъданли участкаларини кучланиш деформация ҳолатини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

маъдани назорат қилувчи структураларни, маъдан ҳосил бўлиш жараёнида кучланиш ва деформация билан ўзаро алоқасини ўрганиш;

Гузаксой конининг геологик-структуравий омилларини белгилаш ва аниқлаш;

Гузаксой конида маъдан ҳосил бўлишининг геодинамик вазиятини тиклаш;

Чадак маъданли майдонининг башорат - излаш мезонларини ишлаб чиқиш ва истиқболини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чадак маъданли майдонидаги Гузаксой кони ва унинг маъданли участкалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Чадак маъданли майдонидаги узилмалли бузилишлар, тектоник кучланиш ва деформация, тектоник блоklar ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишнини бажаришда маъдан ҳосил бўлишининг шаклланиш шароити ва жойлашининг геологик-структуравий таҳлили, экспериментал тектоника, геодинамикани реконструкция қилиш, муайян башоратлаш, геологик ахборот таҳлилни статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чадак маъданли майдонидаги Гузаксой ва Окбулоқ-Қорақўтон ёриқлари маъдани назорат қилувчи (бир вақтнинг ўзида маъдан чиқарувчи ва маъдан камровчи) структуралар эканлиги аниқланган;

Гузаксой конининг структуравий жойлашуви маъдани назорат қилувчи Гузаксой ва Окбулоқ-Қорақўтон ёриқлари ораллигидаги парчаланш зонаси билан, уларнинг кенгайган қисмлари ва қўндаланг узилмаларининг кесишиш зоналари билан ифодаланганлиги аниқланган;

маъдан ҳосил бўлиш давридаги геодинамик ҳолат ташқи кучлар таъсири ва маъдан майдонининг ўзига хос структураси – шимолий-ғарбий, кенглик ва шимолий-шарқий ёриқларнинг мавжудлигида намоён бўлганлиги аниқланган;

маъдан жойлашув геодинамикаси шимоли-ғарбий ёриқларнинг фаоллашиши билан тавсифланади, Гузаксой ва Окбулоқ ёриқлари билан кесилиш участкасида олтин маъданлашув жойлашиши учун қулай бўлган структураларнинг юзага келиши билан кузатиладиган локал чўзилиш деформация зоналарини шакллантирилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Гузаксой кони маъданли участкаларининг маъданли майдонини структуравий-тектоник тузилишидаги позициялари аниқлаштирилган ва белгиланган;

структуравий омиллар, кучланганлик-деформацияланиш ҳолати ва геодинамик вазият асосида башорат қилиш-излаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Чадак маъдан майдонининг истиқболлилиги белгиланган, олтинга истиқболли янги майдонлар ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари Чадак маъдан майдонинг, Гузаксой, Окбулоқ, Қорақўтон ва бошқа конлар кучланиш, деформация ва геодинамикасини ўрганишда олиб борилган экспериментал ишлар (10 та) натижаси билан тасдиқланган. Ундан ташқари шу конлар моделларини структуравий асосини 10 та дан ортик Чадак маъдан майдонинг геологик структуравий хариталар тасдиқлайди. Маъдан майдонининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган ишлар натижалари Гузаксой олтин маъданини статистик таҳлили маълумотлари билан тасдиқланади, тектоник кучланган майдонларда геодинамик шароит узиilmаларининг, тектоник блокларнинг, локал чўзилиш зоналарининг фаоллиги билан ифодаланади, структуравий элементлар тоғ жинсларининг кучланиши ва деформацияланганлиги билан ўзаро боғлиқ, бу яна бир бор маъдан майдонининг геодинамик ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган тектонофизик тадқиқотларни ишончлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тектоник ҳаракатлар – ер пўстининг юза қисмига оид умумий геодинамика алоҳида майдонда геодинамик вазиятни шакллантиради, бунда ёриқлар бўйлаб ҳаракатланиш, уларда эндоген маъданлаштиришнинг жойлашиши учун қулай бўлган структуравий позицияни вужудга келишига имконият яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти Чадак маъданли майдонидаги маъдан ҳосил бўлишининг геодинамик вазиятини тавсирлашда қўлланилган, ишлаб чиқилган башорат-излаш мезонлари маъданли майдонлар ва конлар геодинамикасини тиклашнинг янги усули бўлиб, ундан олтин маъданни шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганишда ва Чотқол-Курама региони бўйича башорат-излаш ишлари самарасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чадак маъданли майдони олтин намойндалари ҳосил бўлишининг структуравий-геодинамик шароитлари бўйича олинган натижалар асосида:

Гузаксой конида олтин намойндаларининг геологик, тектоник ва структуравий позициялари Геология ва геофизика институти амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 30 июндаги 02-20-сон маълумотномаси). Натижада, Окбулок-Қорақўтон ва Гузаксой ёриқлари орасидаги зонанинг жануби-ғарбий қисмида олтин маъданлаштириш учун қулай бўлган субмеридионал ва шимоли-ғарбий ёриқларнинг кесилиш участкаларини ажратиш имконини берган;

маъдан ҳосил бўлиш давридаги вазият модели, башорат қилиш-излаш методлари Геология ва геофизика институти амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 30 июндаги 02-20-сон маълумотномаси). Натижада, шимоли-ғарбий ёриқлар зоналарида узилиш структураси тизимини ажратишга ва олтин маъданлашувининг аниқлаштиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 2 та халқаро ва 3та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий ишлар нашр қилинган, шулардан биттаси монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чадак маъданли майдонининг геологик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида геологик ўрганилганлик тарихи, геологик тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган ва тадқиқот районининг структуравий-тектоник позицияси келтирилган.

Чадак маъданли майдони Курама кичик зонасининг шимоли-шарқий қисмида, Курама мегаантиклиналининг жануби-шарқий этагида жойлашган.

Чадак конлари гуруҳи геология-қидирув ишларининг турли босқичларида Ю.С.Потапов, Е.В.Потапов, В.И.Семашев, Е.П.Тимофеева (1954), Ф.С.Байбеков, Н.И.Крылов, Ю.А.Аверин (1955-1958), В.В.Мартынов, В.И.Александров, Л.А.Золотенко, В.Д.Томар, Н.И.Соловьёв (1960), А.Г.Карпов, О.Отабоев (1970), М.О.Сулейманов ва бир қатор геологлар томонидан ўрганилган.

Маъдан майдонларини геологик ўрганиш тарихида бир нечта босқичга ажратиш мумкин:

I босқич регионнинг дастлабки геологик таърифни ўз ичига олади, улар Н.А.Северцев (1893), Б.Н.Вебер (1904-1929), С.Ф.Машковцев (1911-1929) ишларида келтирилган.

II босқич (1953-1973) излаш, излаш-баҳолаш, геологик-тасвирлаш, геофизик (магнит- ва электр қидирув), геохимё (металлометрия) ва излаш-қидириш чамалаш ишлари билан тавсифланади. Ушбу ишлар натижасида Пирмироб ва Гузаксой олтин маъданли конлар ўрганилган ва қидириб чамаланган.

III босқич (А.Г.Карпов, 1973-1986) Жанубий Пирмироб, Оқбулок, Ғарбий Пирмироб, Безводный, Мозор ва бошқа участкалардаги қидириб чамалаш ишларини олиб бориш билан тавсифланади.

IV босқич, 1986 йилдан бошлаб 1997 йил мобайнидаги излаш-қидириш ва чамалаш ишлари геофизик, геохимёвий ва мавзуга оид тадқиқотлар билан бирга кечган. 1997-2003 йилларда (М.О.Сулейманов, М.К.Турапов) Марказий Гузаксой, Мозор, Боматсой участкаларида маъдан майдони учун янги бўлган оралик ва ички формацион маъдан қамровчи структуралар асосланган.

Чадак маъданли майдонининг геологик тузилишида палеозойнинг вулканоген ва интрузив ҳосиллари киришган. Уни ташкил қилувчи геологик ҳосилалар дислокацияланган даражаси бўйича учта структуравий ярусга бўлинади: қуйи, ўрта палеозой ётқизикларини ўз ичига олади, ўрта – қатта каллибридаги вулканоген ва кичик

интрузив ҳосилалар бўлиб, андезит-дацитли, дацит-андезитли, липаритли формациялар билан ва юқори – трахилипаритли формациянинг чўқинди-вулканоген ётқизиклари, диабаз-гранодиоритли формациянинг дайқалари билан ифодаланади (А.Г.Карпов, Е.В.Ғаниева, М.О.Сулейманов).

Чадак маъданли майдонининг металлогеник хусусияти маконда турлича йўналишга эга бўлган кварцли, кварц-карбонатли ва кварц-гемацитли томирларда олтин мавжудлиги билан белгиланади.

Шўрбосой комплексининг субвулқон фацияси таркибига кўра андезит-базальтли порфиритларга ва уларнинг туфолаваларига, андезитли, андезит-дацитли порфиритларга, дацитли ва фельзитли порфиритларга бўлинади.

Қизилнур комплексининг липаритли формацияси туфлар, туфолавалар, кварцли порфиритлар ва уларнинг субвулқон фациялари, яъни кварцли порфирлар, гранит-порфирлар билан ифодаланади.

Интрузив ҳосилалар герцин бурмаланиш даврининг тектоно-магматик цикли даврида шаклланган бўлиб, ўрта-, юқори карбон ва перм-триас интрузив комплекслари билан ифодаланади (И.Х.Хамробоев, 1969).

Ўрта карбон қурама интрузив комплекси (C_2K) иккита кичик комплексга ажратилган, улар роговик-биотитли гранодиоритлар, амфибол-биотитли гранитлар билан ифодаланган.

Юқори карбон қурама интрузив комплекси (C_3kd) сиенит-диоритли порфиритлар, гранодиорит порфирлар билан ифодаланган.

Перм-триас интрузив комплекси (P-T₁?) чоркесар туридаги гранитларни ўз ичига олади.

Қурама зонаси учун биринчи марта Р.Т. Дольмов (2019) кенг масштабли хариталаш асосида гушсой комплекси дайқалари орасидан ишқорий дала шпати риолитларини аниқлаган.

Маъданли майдоннинг тектоник тузилиши турли ёшдаги узилмали бузилишларнинг уйғулиғи билан, уларнинг узунлиги ва йўналиши бурмаланиши билан аниқланади. Бурмали структуралар икки антиклинал бурма – Чадак-Чоркесар ва Гузаксойнинг бўлақлари билан ифодаланади.

Диссертациянинг “Гузаксой конида маъданлаштиришнинг геология-структуралар хусусиятлари ва жойлаштириш шарт-шароитлари” деб номланган иккинчи бобида қонинг структуралар тузилиши, маъдан майдонининг металлогеник ўзига хослиги ва маъданни назорат қилувчи омиллар кўриб чиқилган.

М.О.Сулейманова, Е.В.Ғаниеваларнинг фикрига кўра, Гузаксой ва Оқбулоқ-Қорақўтон ёриқлари грабени структурани шакллантирган. Т.Ш.Шаяқубов, В.А.Арапов, В.П.Коржаев ва бошқалар ушбу структурани интрузивларнинг шаклланиб бориши таъсирида ҳосил бўлган илғор эгиклик сифатида белгиллаганлар. Гузаксой грабени маъдан майдонининг чизикли структураси бўлиб, у субмеридионал йўналишида жануб томон чўзилган. Унинг чегаравий элементлари бўлиб Гузаксой ва Оқбулоқ-Қорақўтон ёриқлари ҳисобланади.

Гузаксой ва Оқбулоқ-Қорақўтон ёриқлари орасидаги зонанинг асоси ўрта карбон гранитоидларидан ташкил топган. Зона шимолий қисмида болғали свитасининг вулқоноген комплексидан ташкил топган. Марказий қисмида қорабоғ (надак) комплексининг вулқоноген-чўкинди ҳосилалари ривожланган. Қопловчи фациялар туфлар, трахиандезитлар ва трахиандезит-дацитлар лавалари, туфоконгломератлар ва туфогравелитлар билан ифодаланган. Кесиб ўтувчи фация андезит-базальтли бўлиб, амфибол-биотитли андезит-дацитлар, кварцли сиенит-диоритли порфиритлар билан ифодаланган.

Зонанинг асосий чегаравий элементлари бўлиб, Оқбулоқ-Қорақўтон ва Гузаксой ёриқлари ҳисобланади, улар Е.В.Ғаниева ва М.О.Сулеймановлар томонидан маъданли майдон доирасида ажратилган ёриқларнинг беш тизимини иккинчисига кирадилар. Генетик тур бўйича – ташлама-узилма, баъзан катта бўлмаган амплитудали кўтарилма-узилма ҳисобланади.

Чадак маъданли майдонида маъдан намоён бўлган Гузаксой конини куйидаги участкалари мавжуд: Шимолий ва Марказий Гузаксой, Жануби-ғарбий ва Жануби-шарқий Гузаксой, Мозор, Боматсой, Қорақўтон, Окбулок, Дальний ва Промежуточныйлардир.

Окбулок участкаси. Болғали, акча, қорабоғ (надак), шўробсой комплексларининг вулканитлари, трахиандезит-дацитларнинг субвулкон жисмлари, қорабоғ (надак) комплексининг кварц-сиенит-диоритли порфиритлари ва шўробсой комплексининг андезит-базальтларидан ташкил топган. Участканинг структуравий позицияси — Окбулок-Қорақўтон маъданини назорат қилувчи ёриғининг зонаси. Жулайсойнинг чап томондан структура Ангур ёриғи тизими билан мураккаблашган ва бўлиниб кетган. Унинг зонаси калинлиги 120 м ни ташкил қилади. Кенгликка оид ёриқлар тизими бўйлаб шимолдан жануб томон участкани погонали ботиб бориши содир бўлади, бу ерда блоklar ажралиб туради. Олтин маъданли минераллашиш мавжуд бўлган кварцлашанишнинг учта зонаси ажратилади. Улар кесиб ўтувчи, формациялараро ва контактли структура-морфологик турлар билан ифодаланади.

Марказий Гузаксой участкаси. Субвулконли жисмлар билан узилган болғали ва қорабоғ (надак) комплекслари вулканитларидан, куюнди комплексининг кварцли сиенит-диоритли порфиритлари ва оғсой комплексининг гранит-порфирлари, кварцли порфирларидан ташкил топган. Участканинг геология-структуравий позицияси Гузаксой структурасига тўғри келиши билан белгиланади. Коннинг асосий маъданли томирининг калинлиги 0,8 м дан 4,0 м гачани ташкил қилади. Болғали ва куюнди комплекслари вулканитлари орасида кварцли сиенит-диоритли порфиритларнинг силлсимон жинслари билан мураккаблашган формациялараро кварцлашиш зонаси аниқланган.

Шимолий Гузаксой участкаси. Участка позицияси — Окбулок-Қорақўтон ва Гузаксой ёриқлари билан белгиланади. Участка Марказий Гузаксойнинг шимолий давоми ҳисобланади. Саноат аҳамиятидаги олтин маъданли минераллашиш Окбулок-Қорақўтон ёриғи зонасида жойлашган бўлиб, ушбу маъдан жисми - Западная томирдир.

Боматсой участкаси Шимолий Гузаксой участкасининг шимоли-ғарб томон йўналган давоми саналади. Асосий маъданни назорат қилувчи ёриқлар — Қорақўтон, Гузаксой ва шимоли-шарқий ва субкентгликка йўналган блоklarга оид ёриқларнинг ички тизимларидир. Участка позицияси, уни Қорақўтон ёриғига тўғри келиши билан белгиланади. Вулканитлар қатлами тағида скарнланган оҳақтошлар қолдиқлари D_2-C_1 қайд этилади, улар устига вулканитлар тағини экранловчи структуралар билан боғлиқ бўлган кварц-гематитли минераллашиш жойлашган.

Маъданни назорат қилувчи омидлар. Олтин маъданли намоёндаларнинг шаклланиши ва уларда олтин-күмушли маъданлашишни жойлашиш қонуниятларини ўрганишга Ю.А.Аверин, В.Я.Бланк, А.Тургушев, М.О.Сулейманов, Е.В.Ганиева, А.Г.Карпов, В.В.Поморцев, Н.П.Холопов, М.М.Пирназаров ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Шу билан бирга

кўплаб тадқиқотчилар Ю.А.Аверин, В.Я.Бланк, А.Тургушев, М.О.Сулейманов, М.К.Турапов, Е.В.Ганиева, А.Г.Карпов, В.В.Поморцев, Н.П.Холопов, М.М.Пирназаров ва бошқалар кон структурасини шаклланиш жараёнини юқори палеозойдаги кўп босқичли вулканизмнинг ривожланиши билан боғлайдилар.

Олдинги тадқиқотчиларнинг (Ю.А.Аверин, В.Я.Бланк, Е.В.Ганиева, М.О.Сулейманов ва бошқалар) материалларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шу жумладан муфассал геологик хариталаш, маъданли минераллашнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганиш асосида маъданни назорат қилувчи қўйидаги асосий омиллар ажратилган ва аниқлаштирилган: литологик-стратиграфик, магматик ва структуравий-тектоник.

Литологик-стратиграфик омил. Олтинли маъданлашиш кўплаб ҳолларда ўрта структуравий ярусга (C_2-P) тўғри келади. Бу аввало ушбу ярус жинсларининг тўшмама ($\gamma\delta C_2$) ва қопловчи ($P-T_1$) ҳосилаларга нисбатан юқори даражада мўртлиги билан таъсифланади.

Вулканоген ва интрузив комплекслари бўйича литологик-стратиграфик омиллар таъсирини ўрганиш, олтинли маъданлашишни ўртача нордон ва нордон таркибли (маъданли жисмларнинг 60%) қорабоғ (надак) комплекси вулканитларига тўғри келишини кўрсатади. Ўрта структуравий ярус доирасида олтиннинг ўртача юқори миқдори сиенит-диоритли порфирларда (C_2-P_1), нордон ва ўртача нордон таркибли эффузивларда (C_2bf ва C_{1-2mb}) жамланган; қаторни ўртача таркибли эффузивлар (C_2bf) ёпади.

Магматик омил. Маъдан майдонидаги барча олтин маъданли намоёндалар маконда кузонди комплексининг (C_2-P_1k) субвулкони ва субинтрузив жинслари билан боғланган. Ушбу жинслар силалари ва дайқалари маъданни назорат қилувчи, экранловчи юзалари ролини бажаради.

Структуравий омил. Олтин-қумушли маъданлашиш кесиб ўтувчи ёриқлар, турли ёшдаги жинслар контактлари билан бўлгани каби қопловчи (формация ичидаги) ва кесиб ўтувчи субвулкони жисмлар (контактли) билан ҳосил қилинган ясилиқларда жамланади. Ушбу маъданни назорат қилувчи омиллар гуруҳи Гузаксой конини ҳам, унинг маъданли участкалари ва маъданли жисмларни ҳам маконда жойлашишини белгилайди. Маъдан жисмларининг 2 гуруҳи ажратилади: мослашган ва кесиб ўтувчи. Мослашган маъданли жисмлар - формациялар орасидаги кварцланиш зоналаридаги турли ёшдаги вулканоген қатламлар тагида, физик-механик хоссалари турлича бўлган вулконилар контактларида тарқалган. Кесиб ўтувчи маъдан жисмларининг асосий камровчи структуралари - ёриқлар. Уларнинг экранловчи юзалари билан туташмалари - маъдан ётқизилишининг асосий бўғинлари бўлиб, параметрлари турличадир.

Тектоник омил. Бу маъдан чиқарувчи ва маъдан тақсимловчи структуралар ролини ўйновчи, олтин намоёндаларини шаклланиш жараёнини назорат қиладиган маъдан майдонининг йирик тектоник элементлари ҳисобланади (Гузаксой, Окбулок-Қоракўтон, Жулайсой, Ангур ва б.).

Диссертациянинг “Гузаксой кони ва унинг алоҳида участкаларидаги маъдан ҳосил бўлишнинг геодинамик вазиятини ўзига ҳослиги” деб номланган учинчи бобида Гузаксой конини тектонофизик моделлаш ва маъдан ҳосил бўлиш геодинамикаси, яъни, маъдан ҳосил бўлишига қадар ва маъдан ҳосил бўлиш давридаги кучланганлик ва геодинамик вазият натижалари кўриб чиқилган.

Геодинамик вазият – плиталар, микроплиталар ва блокларнинг латерал ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган чуқурликдаги ва ер юзасидаги геологик жараёнлар (магматик, структура ҳосил қилувчи, геоморфологик, седиментогенли ва б.) мажмуи (Ер сайёраси, 1-жилд, 464-бет) ҳисобланади. Бу геодинамик доирасидаги энг асосий тушунчалардан бири бўлиб, ундан сўнг қуйидагилар: геодинамик таҳлил, геодинамик комплекс, геодинамик модел ва геодинамик хариталар келади.

Геодинамикани фан сифатида юзага келишида Л.П.Зоненшайн, Л.А.Савостин (1779), Н.Л.Добрецов, А.Г.Кирдяшкин (1994), С.В.Аплов (2001), В.Е.Хани (2002), Л.И.Красный, Л.Е.Шейдеггер, Ю.М.Пушаровский ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Л.П.Зоненшайн, Л.А.Савостинларга кўра, геодинамика умумий, алоҳида, регионал ва тарихий (палеодинамика) бўлимларга ажратилган, Н.Л.Добрецов ва А.Г.Кирдяшкин томонидан эса, фақат чуқурлик геодинамикаси бўлимига ажратилган. Бирок, геодинамиканинг барча ушбу бўлимлари планетар, регионал тавсифга эга ва уларнинг натижаларини ер пўстининг локал участкалари, айниқса маъдан районлари, майдонлари ва конлар учун қўллаб бўламайди, ваҳоланки уларнинг барчаси Ер юзаси қобилидаги улар келтириб чиқарган ҳаракатлар доирасидаги эндоген ва экзоген жараёнлар мажмуида шаклланган. Ер пўстидаги геологик жараёнлар тектоник-магматик жараёнлар билан белгиланишини, улар эса ўз навбатида Ернинг ташқи қобилининг ҳаракатини (геодинамикасини) белгиланиши ва ушбу жараёнлар доирасида турли геологик ҳодисалар (структуралар ҳосил бўлиши, метасоматизм, маъдан ҳосил бўлиш) содир бўлишини эътиборга олиш зарур.

Минерал ресурслар институтида маъдани майдонлар ва конларнинг геодинамик вазиятини тиклаш услубиёти ишлаб чиқилган. Ушбу услубиётга конларнинг шаклланиш шарт-шароитларини геологик-структуравий тадқиқ қилиш, уларда маъдани жойлашини аниқлаш натижалари, маъдани назорат қилувчи структураларнинг ҳосил бўлиш механизмини ва уларнинг тектоник кучланганлигини ўрганишга доир олиб борилган тажриба ишлари асос қилиб олинган.


Гузаксой кони геодинамик вазиятини тиклаш ушбу услубиёт бўйича икки вариантда бажарилган: биринчи вариант маъдан ҳосил бўлишига қадар бўлган кучланганлик ва геодинамик вазиятни, иккинчиси эса маъдан ҳосил бўлиш давридаги вазиятни акс эттиради.

Маъдан ҳосил бўлишига қадар, бўлган геодинамик вазиятни тиклаш шунинг кўрсатадики, герцин металлогеник эпохаси (C_3-P_1) регионал ташқи тектоник кучлар конга субмеридионал йўналишда таъсир кўрсатган,

чекарловчи ёриқлари ҳаракатини сусайишга ва Жулайсой ёриғи ҳаракатини фаоллаштиришни келтириб чиқарган.

Кучланганлик, деформация ва геодинамика ўзаро боғлиқлиги сабабли, геодинамик вазиятнинг ўзгариши, қондаги геологик ҳосилаларнинг кучланганлиги ва деформациясида аке этган. Қоннинг тектоник кучланганлиги, деформацияси ва геодинамик вазияти унга ёндоқ, кучланганлик сезиларли катталикларга эга бўлган майдонлар устуворлик қилувчи ҳудудлардагиларга нисбатан анча кучсизлиги аниқланган. Бунинг сабаби Окбулок-Қорақўтон ва Гузаксой ёриқлари ўртасидаги зонанинг макондаги ўрни, зона ва регионал тектоник сиқилиш кучларни бир хил меридионал йўналишга эга эканликларидир. Бу вазиятда зонанинг чегаравий ёриқлари суст ҳаракатланади, шу сабаб деформация ҳам суст ўзгарувчан бўлади.

Геодинамик вазиятнинг иккинчи вариантнинг структуравий асосини Окбулок-Қорақўтон ва Гузаксой ёриқлари, Жулайсой структураси ва унинг кўплаб тармоқлари ташкил қилади (1-расм).



1-расм. Гузаксой қонининг маъдани назорат қилувчи структуралари ривожланишининг динамик вазияти схемаси. II вариант (Н.Ш.Тулганова, 2018 й).
1-ўзлимали бузилишлар ва улар бўйича сиқилиш йўналишлари; 2-локал сиқилиш деформацияси зонаси; 3-локал чўзиялиш деформация зонаси; 4-тектоник блокларнинг сиқилиш йўналиши.

М.О.Сулейманов ва Е.В.Ғаниева (2001) томонидан олиб борилган геология-структуравий тадқиқотлар маълумотларига кўра диагонал ёриқлар – Жулайсой ёриғи ва унинг тармоқлари ҳосил бўлиш ёни бўйича маъдан ҳосил

бўлишга қадар юзага келган ёки интромаъданли ҳисобланади. Улар минераллаштиришнинг жойлашишига тааллуқли бўлиши керак.

Маъдан ҳосил бўлиш давридаги геодинамик вазиятни тафсиллашнинг кўрсатиши бўйича, герцин металлогеник эпохасида (C_1 - P_1) регионал кучларнинг таъсири остида зона структуралари ва Жулайсой ёригини ташкил қилувчилари фаоллашган ва улар Оқбулоқ-Қорақўтон ва Гузаксой ёриқлари орасидаги зонани янада майдароқ қилишсимон морфологияли блокларга ажратган. Коннинг маъданини назорат қилувчи структураларнинг шаклланиш ва ривожланиш механизмини ўрганиш маълумотларига кўра, узилмали структураларнинг фаоллашиши силжиш ҳаракатлари орқали ақс этган. Табиий объектдаги максимал силжиш амплитудаси 50 м дан 150 м га қадар бўлиб, зона блокларнинг нотекис кўзгалинини содир этган.

Жулайсой ёриги бўйлаб ҳаракатланиш чегараловчи (Оқбулоқ-Қорақўтон ва Гузаксой) структуралар йўналишига параллел бўлган узилиш дарзликлари сериясини ҳосил қилган ҳолда, ёнбош живсларини майдаланишига олиб келган. Ушбу узилмааларнинг асосий хусусияти бўлиб, уларнинг Оқбулоқ, Қорақўтон ва жануби-ғарбий Гузаксой участкаларида олтинли маъданлаштириш мақом бўйича жойлашишида сезиларли ўринга эгаллиги саналади.

Геодинамик вазиятни тафсиллашнинг иккинчи варианти элементлари маъдан ҳосил бўлиш даврида кон майдонидаги структуравий-тектоник вазиятни ақс эттиради. Ушбу даврнинг тектоник ўзига ҳосиллиги зонани диагональ ёриқлар билан бир қатор блокларга бўлишдан иборат. Зонанинг қилишсимон шакли диагональ структуралар бўйича горизонтал силжишларнинг ҳосил бўлганлиги тўғрисида маълум қилади. Ушбу барча жараёнлар кон геодинамикаси, унинг кучланганлиги ва деформацияси билан ўзаро боғлиқ.

Коннинг жанубий ҳудудининг маъдан ҳосил бўлиш давридаги геодинамик вазиятини тиклаш, маъдан ҳосил бўлиш жараёни ташқи тектоник кучлар билан биргаликда деярли барча структураларни ҳаракатланишини келтириб чиқарганлигини аниқлаш имконини берди. Ушбу ҳаракатлар асосан, Гузаксой конини жанубининг бутун майдони бўйича тектоник кучланишларни қайта тақсимлаш ва деформациясини ўзгартириши билан кузатиб бориладиган горизонтал йўналишга эга. Бу ўзгаришлар айниқса, узилмавий структуралар бўйлаб кузатилади. Уларнинг кесилиш участкаларида намоён бўлади, бу эса ёриқлар фаоллиги (ҳаракати)нинг мазкур ўзгаришлардаги ролин кўрсатади.

Геология-структуравий тадқиқотларга оид материаллар (М.О.Судейманов, Е.В.Фаннева) таҳлили ва Қорақўтон участкасида маъдан ҳосил бўлиш геодинамикасини тафсиллаган ҳолда, тектоник кучланганлик ва деформацияни ўрганиш шун кўрсатдики, Қорақўтон ёриги ва унинг бир-бирига меридиональ йўналишда субпараллел қўзилган тармоқлари, маъданини назорат қилувчи асосий элементлар ҳисобланади.

Маъдани назорат қилувчи субмеридионал ёриқлар бўшлиқларида линза - тасма -томирли ва мураккаб шаклдаги олтин маъданли маъданлаштирилган ҳосил бўлган.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан маълум бўлишича, олтинга оид маъданлаштиришнинг шаклланиш ва жойлаштиришнинг геологик-структураларнинг шарт-шароитларини, маъданлаштириш намоён бўлган майдонларнинг кучланганлиги-деформациясини ва маъдани назорат қилувчи структураларнинг шаклланиш механизминини таъкид қилиш ўрганиш материаллари асосида Гузаксой кони ва унинг маъданли участкаларининг маъдан ҳосил бўлишига қадар ва маъдан ҳосил бўлиш давларидаги геодинамикасини тафсилланган ва у қуйидаги хулосага келиш имконини беради:

маъданли майдон ва унинг маъданли доираларининг маъдан ҳосил бўлишига қадар ва маъдан ҳосил бўлиш босқичларидаги геодинамик вазияти ташқи регионал, тектоник кучлар ва ички магматик жараёнларнинг таъсири, уларнинг структураларнинг тузилиши, морфологик хусусиятлари ва структураларининг макондаги позицияси билан аниқланган;

Гузаксой кони ва маъданлаштириш намоён бўлган участкаларининг геодинамик вазияти уларнинг кучланганлиги ва деформацияси билан ўзаро боғланган;

фаол ва пассив геодинамик вазиятлар кузатилади, маъдани назорат қилувчи структураларнинг тектоник фаоллиги ва пассивлиги улар билан мувофиқ равишда боғланган. Окбулок-Қорақўтон ва Гузаксой зоналарининг чегаравий ёриқлари сезиларли даражадаги фаолият (локал) дучор бўлмаганлар. Энг юқори фаолликта Жулайсой ёриғи эга бўлган, уларнинг қоринтиривчиси бўйлаб янги структура ҳосил бўлиши содир бўлган, бунинг натижасида, улар Гузаксой конининг Қорақўтон, Окбулок ва Жануби-Гарбий участкаларида маъдан камровчи родини ўйнаган.

“Чадак маъдан майдони истиқболларини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобда Чадак маъдан майдонидаги олтинли маъданлаштиришнинг прогноз қилиш масалалари таҳлил қилинган. Майдонда олтинли маъданлаштиришнинг баёрат қилиш масалалари билан Ю.А.Аверин, Х.А.Акбаров, Т.М.Марипов, М.О.Сулейманов, Е.В.Ғаниева, А.Тунгушев, В.Я.Бланк ва бошқалар; баёрат қилиш мақсадида вулкон-тектоник структураларини ўрганиш бўйича В.А.Арапов, Т.Ш.Шакубов, В.Коржнев, Ю.А.Иванов; камровчи жинсларнинг метасоматик ўзгаришларини ўрганиш бўйича А.Тунгушев, Н.П.Холопов; маъдан майдони структураларининг тектонофизик жиҳатлари бўйича Ш.Д.Фатхуллаев, М.К.Турапов; қидирув-чамалаш ва унинг ишончлилиги бўйича услубий усулларни ишлаб чиқиш бўйича – В.Я.Зималина, А.А.Эгамбердиев шугулланганлар. Уларнинг ҳаракатлари маъданлаштиришнинг назорат қилиш ва яшарли маъданлаштиришнинг локал баёрат қилиш омилларини аниқлаган ҳолда маъданлаштиришнинг шаклланиши ва жойлаштиришнинг геологик-структураларнинг шарт-шароитларини ўрганишга қаратилган (А.В.Королев, П.А.Шехтман услубийети).

Чадак маъдан майдонида маъданлаштиришнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш асосида қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилган:

Литологик мезонлар. Литологик омиллар хусусиятларини аниқлаш, олтинли маъданлаштириш қорабоғ (надак) ва оясой комплексининг ўртача нордон ва нордон таркибли вулканитларига аниқ боғланганлигини кўрсатди. Олтиннинг юқори ва ўртача миқдорлари кварцли порфирларда (бу ердаги маъданлар бой), кейинги ўринларда сиенит-диоритли порфиритлар (qC_2k) ва нордон, ўртача нордон таркибли эффузивлар (C_2kz) келади, қаторни ўртача таркибли эффузивлар (C_2b) ёпади.

Структурага оид мезонлар. Чадак маъдан майдони яшрин шимол-шарқий ёриқларнинг туташishi билан назорат қилинади (Ю.А.Аверин бўйича Железный ёриқнинг давоми), буида кенгликга оид (Ангур ёриғи зонаси) ва кўп сонли субмеридионал узилмали бузилишлар етакчи ҳисобланадилар. Алоҳида синиқлар кўринишида намоён бўлган шимол-шарқий ёриқлар ва дарзликлар зоналари, аниқ маъдан чиқарувчи ҳисобланади.

Маъдан камровчи асосий структуралар, субмеридионал йўналган ёриқлар ҳисобланади, буида томирли таналар кулисақимон тарзда бир-бирига кириб боровчи линиялар билан ифодаланади. Маъдан тўпланишига энг қулай участкалар бўлиб, шимол-ғарбий ёриқларни тармоқланишнинг субмеридионал дарзликлари билан кесишиш участкалари ва субмеридионал ёриқларни кенгликга оид блокловчи ёриқлар билан кесишиш жойлари ҳисобланади.

Чадак маъдан майдонининг олтин маъданли объектларини шаклланишида ва уларда олтинли маъданлаштиришнинг тўпланишида субмеридионал структуралар, Гузаксой ва Окбулок-Қоракўтон ёриқлари муҳим ўрин тутади, улар ушбу структуралар таъсири зонасида истиқболли участкаларни ажратишда мезон бўлиб ҳисобланадилар.

Геодинамик мезонлар. Маъдан ҳосил бўлиш даврида Гузаксой қони доирасидаги геодинамика ёриқларнинг фаоллигида акс этган бўлиб, у ёриқлар бўйлаб силжиши (ташлама узилма-силжима) юзага келтиради, улар эса ўз навбатида қоннинг алоҳида блокларини ҳаракатга келтиради.


Маъдан ҳосил бўлиш даврини геодинамикаси тектоник қучланганликни қайта тақсимлаган, олтин намоёндалари билан боғлиқ бўлган локал қўзилиш деформация зонасини ташкил қилгани ҳолда деформацияга таъсир кўрсатган. Геодинамика маъданни назорат қилувчи зоналардаги қучланганликлар тақсимланишининг алоҳида тасвирини содир этган, буида уларнинг қучланганлиги паст бўлган участкалари маъданлаштиришнинг жойлашиши учун қулай шароит яратган.

Минералогик мезонлар. Асосий минераллар: олтин, қумуш, пирит, арсенипирит, халкопирит, сфалерит, галенит, кварц, хлорит. Иккиламчи минераллар: темир гидроксиди, халькозин, ковеллин.

Геокимиявий мезонлар: Au, Ag, Si, Al, Mg, Ca, K, Fe, Mn, Ni, Co, Ti, Cr, Cu, Na, Ba, Wo, Mo, Zn, Bi.

Чадак маъдан майдонининг марказий қисми доирасида истиқболли участкаларнинг еттига позицияси ажратилган (2-расм). Ҳар бир участка учун унинг структуравий позицияси, ёриқлар динамикаси, бутун майдон геодинамикаси, шунингдек деформацион хусусиятлари ва геологик комплекслари аниқланган.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган башорат қилиш-излаш мезонлари асосида Чадак маъдан майдонида 7 та истиқболли майдонлар ажратилган ва улар олтин маъданли маъданлаштиришга оид саноат аҳамиятига эга бўлган янги уюмларни аниқлаш мақсадида излаш-қидириш чамалаш ишларини олиб бориш учун тавсия қилинади.



2-расм.Гузаксой конининг жанубий-ғарбий чеккаларида, маъданни назорат қилувчи структураларни ривожланиши ва олтин маъданли минерализация шаклланишининг, прогноз қилиш элементлари келтирилган ҳолатдаги геодинамик вазият схемаси (Н.Ш.Тулаганова, 2018 й.)Ёриқлар: 1-суфт, 2-фюл; 3-силанишларини ёриқлар бўйича йўналиши; 4 –локал чуқуриш зонаси; 5-локал сиклиниш зонаси;6-тектоник блоklar ва силанишлар йўналиши; 7-фюл сиқувчи кучлар йўналиши; 8-маъданли жисм; 9-маъданли участкалар I- Қорақўтон, II-Оқбулоқ, III-Жануби-шарқий Гузаксой; 10-истиболли участкалар;11-диабаз ва диабаз порфирли дайкалар; 12-истиболли участкалар (E.V.Ganieva буйича);

ХУЛОСА

Чадак маъдан майдонининг Гузаксой конида олтинли маъданлаштиришнинг шаклланиш ва жойлашиш шарт-шароитларини геологик-структуравий тадқиқ қилиш ва маъдан ҳосил бўлиш давридаги геодинамик вазиятни тиклаш ишларининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Чадак маъданли майдонни ғарбий худуднинг олтинга онд металлогениясининг шаклланишини белгиловчи йирик тектоник структураларга субмеридионал йўналишдаги Гузаксой ва Окбулок-Қорақўтон ёриқлари хизмат қилиши, ҳамда улар шимоли-ғарбий ёриқлар серияси ва кенгликка онд йўналишдаги структуралар билан мураккаблашганлиги сабабли худудни бир қатор тектоник блоklarга ажратганлиги кўрсатилди.

2. Маъданлашув жойлашувининг геологик-структуравий шарт-шароитлари ва майдондаги кучланганлик-деформацияланиш хусусиятларининг намоён бўлиши маъданлашув шаклланишида асосий ролни қуйидаги структуравий-тектоник омиллар - Гузаксой ва Окбулок-Қорақўтон йирик ёриқлари, диагонал (Жулайсой ёриқлар тизими) ва кенгликка онд ёриқларнинг кесишган қисмлари, Гузаксой ёригининг букитмалари (Марказий Гузаксой, Мозор) бўлиб, Гузаксой ва Окбулок-Қорақўтон ёриқлари асосий маъдан тақсимловчи ва маъдан камровчи эканлиги аниқланди.

3. Маъдан жойлашувининг литологик-стратиграфик омили тоғ жинсларининг юқори даражадаги мўртлиги билан ифодаланади ва улар ўрта структуравий ярусга (C_2-P) тааллуқли қорабоғ (надак) комплекси вулканитлари, сиенит-диоритли порфиритлар (C_2-P_1), нордон ва ўрта таркибли эффузивлар (C_2b1 и $C_{1,2}mb$) билан белгиланади; магматик омил маъданли майдондаги олтин маъданлашув кузюди комплексининг (C_2-P_1k) субвулконли ва субинтрузив ҳосилалари билан узвий алоқадорлигида намоён бўлиши таъкидланган.

4. Чадак маъданли майдонни геодинамикаси маъданлашувгача ва маъданлашув вақтида геодинамик шароитлар турли бўлганлигини; маъданлашувгача бўлган даврда структураларнинг тектоник фаоллиги жуда пастлиги билан ифодаланган ва бу пайтда кенглик (Ангур) ва меридионал (Гузаксой ва б.) йўналишдаги қурилмалар вужудга келган, шу билан бирга ушбу структуралар динамикаси шимоли-ғарбий ер ёриқлари (Жулайсой) мураккаблашиши ва бўлиниши учун шароит яратганлиги очиб берилган.

5. Маъданлашув босқичидаги геодинамик шароитларнинг асосий хусусияти шимолий-ғарбий ер ёриқларининг фаоллиги бўлиб, бу Гузаксой ва Окбулок - Қорақўтон ер ёриқлари орасидаги зонанинг парчаланишига ва тоғ жинсларнинг бурдаланишида ўз аксини топган, ҳамда маъданли участкаларнинг (Окбулок, Қорақўтон ва б.) ҳосил бўлишидаги узилмали ер ёриқлари бўйлаб маъдан жойлашувига қулай структуравий позициялар шаклланиши аниқланган.

6. Маъданлашувни башоратлаш ва кидирувнинг литологик, структуравий, магматик омиллари билан биргаликда, замонавий тектонофизик ва геодинамик омилларни комплекс равишда қўлланилиши натижасида тадқиқот майдонида олтиннинг сансоат аҳамиятига эга бўлганеттита истикболли майдонлари ажратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.10.2020.GM.125.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ ИМЕНИ Х.М.АБДУЛЛАЕВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ И.КАРИМОВА**

ТУЛЯГАНОВА НАРГИЗА ШЕРМАТОВНА

**СТРУКТУРНО - ГЕОДИНАМИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ
ФОРМИРОВАНИЯ ЗОЛОТОРУДНЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ ЧАДАКСКОГО
РУДНОГО ПОЛЯ**

04.06.03 – Геотектоника и геодинамика. Петрология и литология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.1.PhD/GM87

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ingeo.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz)

Научный руководитель:	Турапов Мирали Камалович доктор геолого-минералогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Карабаев Маматхан Садрович доктор геолого-минералогических наук, профессор Рашиков Одил Тахирджанович кандидат геолого-минералогических наук
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «7» апреля 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc 24/30.10.2020.GM.125.01. при Институте геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64.Тел: (+99871) 262-65-16; факс: (+99871) 262-63-81; e-mail: ingeo@ingeo.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева (регистрационный номер № 7). Адрес: 100041, г. Ташкент, ул.Олимлар, 64. Тел.: (+99871) 262-65-16;

Автореферат диссертации разослан «24» марта 2022 года
(реестр протокола рассылки № 7 от «24» марта 2022 года)



А.К. Нуриддин
Президент Научного совета по присуждению
учебных степеней, д.г.-м.н.
Э.М. Амбро
Учестый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.г.-м.н. (PhD)
У.Д. Мамарозилов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учебных степеней, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике геологоразведочных работ проблема расширения сырьевой базы действующих горнорудных предприятий и повышения эффективности поиска и разведки месторождений полезных ископаемых являются важнейшими задачами стоящими перед геологической службой многих государств, в том числе Узбекистана и приобретает важное значение в современных рыночных условиях. Поэтому успешное и эффективное решение задач по расширению минерально-сырьевой базы возможно при глубоком изучении, на научной основе закономерностей формирования и размещения оруденения, разработке новых методов прогнозирования и поисков месторождений полезных ископаемых. Важное место в решении этих проблем занимают исследования геолого-структурных условий формирования и размещения оруденения в комплексе с изучением геодинамики участков проявления рудной минерализации.

Во всем мире проводятся исследования, направленные на определение геодинамической обстановки рудных полей и месторождений в период рудообразования. В частности, особое внимание уделяется оценке оруденения объектов, повышению эффективности поисков и разведки глубоких горизонтов путем сопоставления геолого-структурных, тектонофизических и геодинамических условий рудообразования с геохимическими и геофизическими аномалиями поля.

В нашей стране многие месторождения золота, свинца, цинка, меди и других металлов детально изучаются с позиции их геологического строения, структурно-тектонических особенностей, минералого-геохимических особенностей, закономерностей формирования и размещения оруденения. В результате, на их основе прогнозируются скрытые рудные залежи на новых закрытых территориях. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан были предусмотрены важные задачи по «...обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов...»¹. В частности, является актуальным проведение исследований, направленных на выявление и усовершенствование прогнозных признаков скрытого золотого оруденения на основе изучения структурно-геодинамических условий формирования месторождений золота Чадакского рудного района.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП – 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Постановлением Президента от 24 мая 2017 года № ПП – 3004 «О мерах по созданию единой геологической службы в системе государственного комитета Республики

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

